

Доий 1824 йилда Хоразмда тугилган. У илк тахсилни Бухоро мадрасаларида олади. Сўнgra шоир Арабистон ва Шом мамлакатларига сафар килади. Сафардан кайтгач, Хиванинг Арабмуҳаммадхон мадрасасида мударрис бўлиб ишлайди.

Доийнинг ижоди унинг хаётга жиддий ва айрим холларда жамият тузумига бирмунча танкидий караганини кўрсатади.

Замондошлари томонидан колдирилган материалларга караганда, Доий жуда тўғри сўз бўлиб, хаксизликни кўрган вактда, хеч тортина масдан, танкид киладиган одати бўлган. Жумладан, Доий бирмунча вакт масжиди жомеъга хатиб килиб тайинланади. Шоир ўзининг ваъз хутбаларида меҳнаткаш халқ ахволига ачинишини, хон амалдорларидан норози эканини жасорат билан гапирган.

Доий тахминан 1905—1909 йилларда Хоразмда вафот этган.

Шоирнинг бизгача етиб келган девонида чукур социал мазмунли ва мухаббат темасидаги лирик газаллари тўпланган. Унинг ижтимоий мазмундаги шеърлари ўзи яшаган замон характеристикаси ва шоирнинг унга муносабатини белгилайди. Мухаббат лирикаси эса шўх, ўйноки ва хаётий эканлиги билан характеристидир.

Доий мухим ижтимоий масалаларни юксак бадиий маҳорат билан куйлаган. Шунинг учун хам Доий адабиётимиз тарихидан маълум ўрин эгаллашга муносиб ижодкордир.

Доийнинг бизгача икки нусха девони етиб келган бўлиб, унда шоирнинг газал, мухаммас, мусамман, мустазод, рубой ва мусамман жанрида ёзилган шеърлари тўплангандир.

Ундан ташкари Доий газаллари ва мухаммаслари баъзи баёзларда хам учрайди.

Шоирнинг хар икки девони хам Ўзбекистон Фанлар академияси, Беруний номли Шаркшунослик институти кўлёзмалар фондида 906, 908 инв. номерлари билан сакланади. Куйида келтирилган шоир газаллари юкорида кайд этилган кўлёзмалардан олинди.

ГАЗАЛЛАР

Эйки, дебдурсан вафо йўқдур бани одам аро,
Рост айтурсан бали йўқ бу гухар бу ям аро.

Хар киши бўхтонда колса дафъин этдим кон ютуб,
Тухмат этди, бир вафолиг кимса йўқ олам аро.

Гулшани базмингдин айру сайр этиб дарёу дашт,
Дашт аро чапгловда колдим, сувда баҳри гам аро.

Баррадек хар кимса беозордур, охир они
Кашкир этгай пора-пора бешаи зайдам аро.

Кил каноат факрнинг чотлок сафоли дурдига,
Бодаи гулгун эмас безаҳр жоми Жам аро.

Еттилар жоҳ овжига акрони, бир Доий колиб,

Топмади ер даргахи шоханшахи Хоразм аро.

* * *

Мен ул дилдора учрашган замонда
Дедим: сендек гўзал йўқдур жаҳонда.

Деди: кўпдур гўзал оламда, лекин
Менингдек меҳрибон йўқ хеч маконда

Дедим: бир бўса эткил меҳрибонлик,
Деди: зар, бўса сизга осмонда.

Билиб кетти менинг пулсизлигимни,
Кўюб базм ахлини ўтлуг фигонда.

Ўшул раъно гўзалдур, пулталабдур,
Борур кўрсатсалар зар хар каёнда.

Жаҳон раъноларидин тут канора,
Бўлур не истасанг амну амонда.

Эвур юз, Доиё, яхши ямондин,
Таваккул кил хама яхши, ямонда.

* * *

Не нигун баҳти била бўлди валодат шуаро
Ким бу кун топмади жуз васфи балоҳат шуаро.

Тамай хом била неча газаллар айтиб,
Дарбадар юрмак эмастурму кабоҳат шуаро.

Деди бир шоири хушгуй манга лутф айлаб,
Шеър машк айла, топар эмди каромат шуаро.

Неча шоир деса ёлгон, кўринур рост киби,
Йўқса шоирлига кўрсатти надомат шуаро.

Шеър арбоби шуур оллида ондин мазмум,
Бўлдиким топди эл ичра амонат шуаро.

Бир пучак пулга олур кимса топилмас, нечаким
Арз этарлар гухари ноби фатонат шуаро.

Тош урар гарчи хунар ахли хунар бошларига,

Шеърдин кўрдилар анвои хакорат шуаро.

Бу ажгбким, бири тарк әтмади шоирлигини,
Нечаким топдилар ул ишда фасохат шуаро.

Зинхор, эй укалар, шеър ила маъруф ўлманг,
Ким ўшул важх ила чекди гаромат шуаро.

Дўстлар, чун шуаро бормока ер, ботмока кўл
Топмадилар, сиз ўлунг согу саломат, шуаро.

Шуаро холидин ар килди шикоят Доий,
Килмадилар ани ул ишда маломат шуаро.

* * *

Етар жонимга бир ой хажрида чандин алам, ё раб,
Закоти ушрича бўлмас жаҳонда барча гам, ё раб.

Ажаб фўлод дил эрмишки холимни кўруб хар кун,
Жафоу жаврини килмас манга бир зарра кам, ё раб.

Ситамгарлар, ситамкашлар хама як сон чекар жаврин,
Ямону яхшини фарқ айламай, айлар ситам, ё раб.

Умуман ишк арбобига жавр айлар, хусусан мен
Кари кулга зиёд айлар ситамни дам-бадам, ё раб.

Бўлибман ул ситамгарнинг жафоу жаврига мўътод,
Зиёд эт, килма кам жаврин манга бир зарра хам, ё раб.

Агарчи ул пари хажрида кайгуда ўтар умрим,
Хама умрида хеч гам кўрмагай бегам санам, ё раб.

Агар Доийга ул дилдор бир согар карам килса,
Анга макшуф бўлгай эрди сирри жоми Жам, ё раб.

* * *

Дедим: нигоро, не бўлур келсанг, талаттуф кўрсотиб,
Деди: келурман йигламай турсанг, ўзингни тўхтотиб.

Дедимки: лаълинг шарбатин умрим ўтур бир тотмадим,
Деди: тўя ичгунг ани хунобаи хижрон котиб.

Дедимки: фарёдим санга таъсир килмас не учун?

Дедики: бўлмас хечгах хоро тошини юмшотиб.

Дедимки: ноз уйкусидин жоду кўзинг уйгонмади,
Дедики: жоду фитнасин не килгингиздур уйготиб?

Дедим: кўрарманму экан ойдек юзингни бехижоб,
Деди: кўрарсен килмасам пинхон, сочимни бутротиб.

Дедимки: Доий васлига етмакни айлар орзу,
Деди: олиб келсун хама амволу амлокин сотиб.

* * *

Садафдек хор бўлгай нечаким гавхар сочар шоир,
Камишдек кадр топмас хар неча шаккар тўкар шоир.

Мазаллат тангносидин кутулмоклик не имкондур,
Агар хар чанди тўтивор болу пар очар шоир.

Замона ахлига микдори зарра айламас таъсир,
Агарчи андалибосо тараннум кўрсатур шоир.

Букун ул гунги нодон кант ёб, шурби мудом айлар,
Вале захроб ичиб хар дам багир конин ютар шоир.

Топар хар ким тараккий кун-бакун дилдор кўйида,
Магар соат-басоат тийра балчикга ботар шоир.

Ажаб хасратга Доий кайдадур демас дилороми,
Агар минг катла йиглаб холи зорин арз этар шоир.

* * *

Деди:— «Каёндур максадинг?» Гуфтамки:— «Гулзори шумо»,
Деди:— «Нядур матлаб санга?» Гуфтамки:— «Дийдори шумо».

Деди:— «Надур кони сабаб?» Гуфтам:— «Ражои базми ту»,
Дедики:— «Манзулинг недур?» Гуфтамки:— «Рухсори шумо».

Деди:— «Мусофиран магар?» Гуфтам: «Каромат мекунед»,
Деди:— «Не ердур манзилинг?» Гуфтамки:— «Дарбори шумо».

Деди:— «Нечун тортарсен ох?» Гуфтам:— «Зи рўзи фуркатат».
Деди:— «Не янглиг кимсасен?» Гуфтам:— «Гирифтори шумо».

Деди:— «Недин мажрухсен?» Гуфтамки:— «Бисёрам заданд»,

Деди:—«Ким урди?» Гуфтамаш:—«Фарроши гаддори шумо».

Деди:—«Нега арз этмадинг?» Гуфтамки:—«Манъам карда буд»,
Дедики:—«Маниъ ким туур?» Гуфтам:—«Жилавдори шумо».

Дедики:—«Кел, Доий, бу ён!» Гуфтамки:—«Куллук мекунам».
Деди:—«Недин хушнудсен?» Гуфтам:—«Зи гуфтори шумо».

* * *

Гамимга боис ул ошуби даврон бўлди ўхшайдур,
Манга хажрида байтул-эхзон бўлди ўхшайдур.

Бўлур афзун дамо-дам шиддати заъфим фирок ичра,
Гумоним буки багрим барчаси кон бўлди ўхшайдур.

Сарафроз айлаб эрди васл этиб ваъда кўлин, вахким,
Мусоид бўлмайин баҳтим пушаймон бўлди ўхшайдур.

Жафоу жавру ёри таънаи агёр тошидин
Бузук кўнглум биноси ерга яксон бўлди ўхшайдур.

Агар чандики помоли хаводис бўлмишам, лекин
Не гамким вакти лутфу зилли субхон бўлди ўхшайдур.

Хирад хар чанд манъи ишк этар, аммо нетайким ул
Мени бечорага такдири яздан бўлди ўхшайдур.

Не журъат бирла лофи ишк урар Доий билолмамким,
Магар савдо била хотир паришон бўлди ўхшайдур.

* * *

Зулми беандоза этган бизга ё гардунмудур,
Ё ўшул бебок золим кўзлари пурхунмудур.

Ё хнно ёкмиш ушул шўхи ситамгар илкига,
Ё кўли ишк ахлини кони била гулгунмудур.

Ё хама ошиклара зулм айламак ойин анга,
Ё мени бечорага жаври ани афзунмудур.

Катлиом этмакка ул котил кўзи мойил эрур,
Ё мухаббат ахлин ўлтурмак анга конунмудур.

Ишк ўтига ё менинг сийнам эрур оташкада,

Ё хама ишк ахли садри ул ўта конунмудур.

Ё ман ўлмишман ўшул хунхорни ошуфтаси,
Ё бори олам эли ул сохира мафтуунмудур.

Ё хама изхори ишк этган кишини ўлтуур,
Ё ўлумга мустахик бу Доийи махзунмудур.

* * *

Шукрким, ўз илги бирла бизни дилдор ўлтуур,
Ўлмас ул муштокким они севар ёр ўлтуур.

Юз тириклик лаззатин топгай ушул бечораким,
Ханжари абрў била ул чашми хунхор ўлтуур.

Шарбати юхийл-изоми бирла тиргузгай они,
Сарв кадду маҳлико лаъли шакарбор ўлтуур.

Юз туман меҳнат кўруб етса мурода бир кишин,
Рашк этиб дархол ани чархи ситамкор ўлтуур.

Мушкил эрмиш. ишкнинг китмони хам, изхори хам,
Бирида гам, бирисида ул дилозор ўлтуур.

Хайрият андешдин бермас замон ахли хабар,
Яхши фикр этган кишини билки ашрор ўлтуур.

Ёр кўйида бўлибдур ёрлар гаддорлар,
Хавф этар Доий они бир ёри гаддор ўлтуур.

* * *

Шираи жондин доги ширин эмиш гуфторингиз,
Тоза жон топгай ким ўпса лаъли шаккар борингиз.

Сарв ножуга назар гар солмасам, эрмас ажаб,
Ким бизинг манзуримиздур кадди хуш рафторингиз,

Чикмагаймиз биз баҳор айёми гул сайригаким,
Сийнамиизда гул очибдур шуълаи рухсорингиз.

Ахли дониш деб килмас беибо харне десак-
Ким, бўлубдурмиз бу кун масти майи дийдорингиз.

Бог аро нарғис эмас кўнглум эрурким лой аро,

Сехр этиб банд этмиш икки жодуйи хунхорингиз.

Лутфингиздин йўқ бизинг уммидимизки, даъбингиз
Каҳр килмоқдур ким ўлса ишкингизда зорингиз.

Доимо хунобаи хижрон ютармиз биз, vale
Бўлдилар масти шароби васлингиз агёрингиз.

Умримиз зинданни фуркат ичра ўтти, охким,
Шу ракибларга махалли айш эрур гулзорингиз.

Ишкингизда сарф этиб, Доий йигитлик кувватин,
Дедингиз, каридингиз, эмди бу ердин борингиз.

* * *

Не адоват эрди бу, эй чархи даввор, айладинг,
Кийналар бечораларга хар дам изхор айладинг,

Софдил мўмин анисимдин жудо айлаб мени,
Бехаё хотир муқаддарларга дучор айладинг.

Багри бирёнлар била эрдим мусоҳиб неча йил,
Кўнгли тўқ, багри бутунларга мени ёр айладинг.

Бир пари янглиг мужассам рух ёримдин жудо
Айладинг, хайвон сифат ёра гирифтор айладинг.

Айламас эрдим баланду пасти оламни тамиз,
Толиби жоҳ айладинг, хуш хона бардор айладинг

Ишк ахлига эгармак эрди максудим давом,
Сен мутеъи бир париталъят сабуксор айладинг.

Чарх хам, Доий, сенингдек бандаи бечорадур,
Не учун ондин гила, эй оғзи бекор, айладинг.

* * *

Кўзингдин ўргулай, кўз бирла кўрдинг холи зоримни,
Бошинг хакки, каро килма бу колгон рўзгоримни.

Етар хажрингда харда.м юз туман шиддат манга, лекин
Санга арз айламак даркор эмас хеч кору боримни.

Тажохул айлабон хардам, нечуксан бедилим, дерсан,

Билур эркан ўзинг яхши нихону ошкоримни.

Ики кошинг ишорат ханжари бирла ёрат кўксум,
Хадаф айлар кўзунг мужгон ўкига жисми зоримни.

Кочурди эътиборим муддате каҳринг узок тортиб,
Качон, эй сангдил, килгунг фузунрок эътиборимни.

Неча йилдур ётибман остоning ёстаниб, бир кун
Демадинг, келтурунг ул дардманди хоксоримни.

Тутубман унс кўйингда кўтур боскон итинг бирла,
Нигоро, солма мендин айру ёру гамгусорингни.

Нигорим илгига ўлсам, шахид ўлгум, мусулмонлар,
Бўлунг хушнуд, йиглатманг менинг хешу таборимни.

Тириклика жамолин кўрмадим, не бўлди, мўминлар,
Жанозамга агар келтурсангиз ул гулъузоримни.

Мани Доий маломат килди кўп нолиш килурсан деб,
Они билмаским, олмишлар кўлимдин ихтиёrimни.

* * *

Эй кўнгул, санга харгиз колмас эмди армонлар,
Келдилар сени истаб бу азиз меҳмонлар.

Илтифоти бепоён бирла келдилар бу тун,
Гулбадан пари рухлар, гулъузор жононлар.

Гулгул очилиб кулбанг рашки гулшан этдилар,
Гунчалаб дурафшонлар, орази дараҳшонлар.

Зулфи анбаринларни таркатиб, бўлиб раккос,
Базмгохинг этдилар турфа сунбулистонлар.

Нозании паривашлар ишвалар килиб хар дам,
Бўсалар сакоклардин айладилар эхсонлар.

Рашк ўтига куйсунлар кайта-кайта хосидлар,
Юз ўлуб-тирилсунлар ул гурухи нодонлар.

Шукр этиб, аё Доий, сарф базм этиб шод ўл,
Мархамат килиб бу тун келдилар газалхонлар.

НАВОЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Тарки сухбат килдилар ул вактким дилхохлар,
Хажр чохида чекармиз нолай жонкохлар,
Холи кайфин фахм этар накл этсалар хамрохлар,
Улки солгай шуъла аъзосига ўтлуг охлар,
Кайда билгай куймакин зарбафт кийган шохлар.

Уйсиз уммоллар ишлар маъолин билмагай,
Нуру зулмат, ранжу меҳпатнипг заволин билмагай,
Мастлар бечораларнинг ашки олин билмагай,
Багридин кон томгучи ушшок захмин билмагай,
Тийгидин кон томгучи берашм олий жохлар.

Эйки, кирдинг ишк майдонига дўнгил тезким,
Хар кадамда еткирур бошинга рустохезким,
Ишк даштидур ажаб дарду бало ангезким,
Шиддатин Фарход килгай фахм, йўқ Парвезким,
Дардни хокийлар онглар, йўқ фалак даргохлар.

От боши эшшак аёки остида кум бўлгали,
Курра, харларнинг жули синжобу кокум бўлгали,
Эл аро иокас касу номард мардум бўлгали,
Жону кўнглум кирдилар гам даштига гум бўлгали,
Мен хам этдим азм чун азм этдилар хамрохлар.

Мужда, эй жону кўнгул, сизни ўшул хур ўлтуур,
Ишк ахлига килиб каҳр, элни мажбур ўлтуур,
Бегунохларни ўшул хуснига магрут ўлтуур,
Бўлсалар огахки, бир гамгинни хижрон(?) ўлтуур,
Фикр этар холига хижрон дардидин огохлар.

Гулжабинлар кайда билгай ранги хункохим недур,
Сиххат ахли англа мас дарди сахаргохим недур,
Не билур васл ахли хар дам оташин охим недур,
Вах, не билгай хажр занжирида дилхохим недур,
Халка урган базм айши даврида дилхохлар.

Хожат ахли холидин хожатраволар фикри йўқ,
Ишк ранжури гамидин бевафолар фикри йўқ.
Доиё, ахли гинога бенаволар фикри йўқ,
Эй Навоий, шохларга чун гадолар фикри йўқ.
Айтгил хам тенгри даргохига шайъаллохлар.